

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 8 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*  
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА ..... 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО  
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) ..... 18-24
- Раунов Холмамат*  
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ ..... 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*  
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА) ..... 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*  
FERMER HO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI  
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI  
MISOLIDA) ..... 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*  
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР  
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ..... 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*  
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI  
XIZMATLARI ..... 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*  
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI ..... 60-64

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*  
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF  
ENTERPRISES ..... 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*  
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS ..... 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҒИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жахонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

*Гадоев Сўҳроб Жумакулович*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 175-181

*Бекжанов Дилмурод Йўлдашович*  
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН  
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ..... 182-193

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Boydadayev Abdurroхmon Tolibjon o'g'li*  
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY  
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) ..... 194-200

*Xayridinov Abbosxon Anvarovich*  
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA  
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 201-205

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*  
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI ..... 206-211

*Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich*  
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR  
MAQSADI..... 212-217

*Turabova Sevara Kattaqulovna*  
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA  
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV ..... 218-224

*Пардаева Марҳабо Давлатовна*  
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ  
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ ..... 225-233

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*  
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI ..... 234-240

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*  
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR ..... 241-246

*Юсупова Феруза Зойировна*  
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ ..... 247-251

*Teshaboev Muhiddin Marifovich*  
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI ..... 252-257

## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

- Soatova Nodira Isomitdinovna*  
LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI ..... 258-265
- Narmuratov Zayniddin Radjabovich*  
FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA ..... 266-269
- Yusupova Omina Muhammadzoi kizi*  
DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE ..... 270-276
- Бозорова Хулкар Одинакуловна*  
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ ..... 277-282
- Matyakubov Oybek Quralbayevich*  
KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI ..... 283-288
- Фатуллаева Камола Рахматуллаевна*  
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ..... 289-293
- Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna*  
O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI ..... 294-299
- Xamzayev Otaxon Erkinovich*  
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA Tahlili ..... 300-305

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

- Абдурахманова Нодирахон*  
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ ..... 306-310
- Сафоева Садокат Мусоевна*  
ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА ..... 311-320
- Абдуллаева Маликабону Эркин қизи*  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ..... 321-330

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

- Zoirova Lola Xamidovna*  
TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN



FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджоновна</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO‘GARAKLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G‘ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO‘LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO‘LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O‘RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA‘LIM YO‘NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i> PROFESSINAL TA‘LIM YO‘NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O‘QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Гадоев Сўхроб Жумакулович**  
Термиз давлат унивеситети  
Молия кафедра мудири, PhD, доцент  
[suhrob.gadoev.81@mail.ru](mailto:suhrob.gadoev.81@mail.ru)

### **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация.** Тижорат банклари кредитларининг таъминотини такомиллаштириш кредит rischi даражасини пасайтириш ва таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашиши натижасида кўриладиган зарарлар миқдорини камайтириш имконини беради. Бунда асосий эътибор бериладиган кредитларни юқори ликвидли гаров объектлари билан таъминлаш ва тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган учинчи шахсларнинг кафолати билан таъминлашга қаратилади. Мақолада Ўзбекистон тижорат банклари кредитларининг таъминотини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, кредит, таъминот, гаров, кафолат, суғурта полиси, ликвидлилик, захира.

---

**Gadoev Suhrob Jumakulovich**  
Head of the Department of Finance,  
Termiz State University, PhD, associate professor

### **IMPROVEMENT OF COMMERCIAL BANKS LOAN SECURITY**

**Abstract.** Improvement of the credit offer of commercial banks makes it possible to reduce the level of credit risk and reduce the amount of losses caused by the deterioration in the composition of classified loans. The focus is on providing loans with highly liquid collateral and guaranteeing third parties with a high level of solvency. The article developed scientific proposals aimed at improving the credit provision of commercial banks in Uzbekistan.

**Key words:** commercial banking, credit, collateral, pledge, guarantee, insurance policy, liquidity, reserve.

---

**Гадоев Сухроб Жумакулович**  
Заведующий кафедрой финансов  
Термезского государственного университета

### **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КРЕДИТОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

**Аннотация.** Улучшение кредитного предложения коммерческих банков позволяет снизить уровень кредитного риска и уменьшить размер убытков, вызванных ухудшением состава классифицированных кредитов. Основное внимание уделяется предоставлению кредитов с высоколиквидным обеспечением и гарантированию третьих лиц с высоким уровнем

платежеспособности. В статье разработаны научные предложения, направленные на улучшение кредитного обеспечения коммерческих банков Узбекистана.

**Ключевые слова:** коммерческий банкинг, кредит, обеспечение, залог, гарантия, страховой полис, ликвидность, резерв.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N24>

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси банк тизмини ислоҳ қилишнинг 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида “кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфелини ва банк рискларини бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий рискларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш” банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Ўз навбатида, кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш бевосита кредитларнинг таъминотини такомиллаштиришга боғлиқ.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Ж.Синкининг хулосасига кўра, кредит олишга талабгор бўлган мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш кредит рискинни пасайтириш муҳим омили бўлгани ҳолда, кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Унинг тавсиясига кўра, мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш қуйидаги долзарб саволларга жавоб топиш имконини бериши керак:

- мижознинг соф фойдаси унинг узоқ муддатли қарзларининг жорий қисмини тўлаш учун етарлими?
- компания айнан қанча миқдорда пул маблағлари олади?
- компания ўз операцияларини қандай молиялаштиради?
- компаниянинг жорий ҳолатини раҳбариятнинг қайси ҳатти-ҳаракатлари ёки қайси ташқи таъсирлар белгилайди [2].

Бу ерда Ж.Синки тижорат банклари кредитларининг асосий таъминоти сифатида кредит олувчининг пул оқимини эътироф этмоқда.

Ж.Синкининг ушбу хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мамлакат иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқими барқарорлигини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси атиги 19,1 фоизни ташкил этди [3]. Бу эса, жуда паст кўрсаткич ҳисобланади (ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида мазкур кўрсаткичнинг ўртача даражаси 40-45 фоизни ташкил этади). Иккинчидан, инфляция ва девальвация суръатининг республикамизда нисбатан юқори эканлиги тижорат банклари мижозларининг пул оқими барқарорлигига салбий таъсир этмоқда.

М.Чараева ва Т.Бабиёвнинг фикрига кўра, гаров банкка кредитни қайтариш муддати келганда мижозга тегишли бўлган мулкни сақланиш кафолатини беради ва кредит қайтмаганда банк ундирувни ушбу мулкка қаратиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ҳатто мулк бошқа шахсга берилган тақдирда ҳам ушбу шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи банкда сақланиб қолади [4].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, кредитнинг таъминоти деганда кредит олувчига тегишли бўлган активларнинг қиймати ва қарзни қоплашнинг аниқ манбаи тушунилади [5]; шулар бир қаторда кредитнинг таъминотига кредит берувчининг мазкур манбанинг етарлилиги, мақбуллиги ва юридик расмийлаштирилиши устидан назорат қилиш киради [6].

А.Стахнюкнинг хулосасига кўра, гаров объектлари сифатининг паст эканлиги кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади [7].

М.Юнуснинг фикрича, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлишади [8].

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг хулосасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилади [9].

И.Алимардоновнинг хулосасига кўра, кичик бизнес субъектларида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, уларни лизинг ва қайтариладиган лизинг асосида кредитлашга эътиборни кучайтириш учун биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига берилган лизинг кредитларидан оладиган даромади фойда солиғидан озод қилиниши лозим; иккинчидан, лизинг объектини ўзи тўла қийматда гаров объекти сифатида қабул қилиниши зарур (қўшимча таъминот тури талаб қилинмаслиги лозим); учинчидан, лизинг объектига ҳисобланган амортизация ажратмаси реал қийматининг пасайишига йўл қўймаслик лозим [10].

**Таҳлил ва натижалар.** Тижорат банклари кредитларининг таъминотига қўйиладиган талаблар уларнинг Кредит сиёсатида акс этади. Фақат давлатнинг ресурслари ҳисобидан бериладиган кредитларнинг таъминотига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўрсатилади.

Тадқиқот жараёнида ЎзСаноатқурилишбанк мисолида республикамиз тижорат банклари кредитларининг таъминоти таркибига баҳо берамиз.

#### 1-жадвал

#### ЎзСаноатқурилишбанк кредитлари таъминотининг таркиби<sup>1</sup>

Таъминот турлари	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Қўзғалмас мулк	46,3	24,6	24,5
Кафолат	21,8	17,8	14,6

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан ЎзСаноатқурилишбанкнинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

Учинчи шахс кафиллиги	12,1	28,5	30,4
Транспорт воситалари	3,7	1,5	1,4
Суғурта полиси	3,3	8,4	8,1
Инвентарь	0,4	0,6	0,9
Бошқа таъминот турлари	12,4	18,6	20,1
<b>Кредитлар таъминоти- жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг таъминоти таркибида нисбатан юқори салмоқни кўзгалмас мулк, кафолатлар ва учинчи шахсларнинг кафиллиги эгаллайди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг таъминоти таркибида нисбатан кичик салмоқни транспорт воситалари, суғурта полиси ва инвентарь эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан, республикамиз тижорат банклари гаров, кафолатлар, кафиллик, мажбуриятлар асосида ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг қонунда назарда тутилган бошқа усуллари асосида кредитлар ажратиш ҳуқуқига эга [11].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259-моддасида мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонунчилик ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши кўзда тутилган [12].

Халқаро банк амалиётида кредитлар учун биринчи тоифали таъминот объектлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- ер майдонлари;
- олтин ва бошқа нодир металлар;
- депозитлар;
- ҳукуматнинг кафолати;
- тўлови Ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлар.

## 2-жадвал


### ЎзСаноатқурилишбанк томонидан саноат корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти таркиби<sup>1</sup>

Таъминот турлари	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Ҳукумат кафолати	19,5	23,2	18,9
Кўзгалмас мулк	15,8	15,4	15,4
Учинчи шахс кафиллиги	29,2	30,2	28,3
Асбоб-ускуналар	15,9	17,4	15,4

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан ЎзСаноатқурилишбанкнинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

Суғурта полиси	4,9	6,4	4,8
Инвентарь	1,2	0,6	1,5
Қимматли қоғозлар ва бошқа таъминот турлари	13,5	6,8	10,9
<b>Таъминот – жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, ЎзСаноатқурилишбанк томонидан саноат корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти таркибида нисбатан юқори салмоқни учинчи шахс кафиллиги, Ҳукумат кафолати, қўзғалмас мулк ва асбоб-ускуналар эгаллайди.



**1-расм. ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг умумий ҳажмида таъминланган кредитларнинг салмоғи, фоизда<sup>1</sup>**

1-расм маълумотларидан кўринадик, ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг умумий ҳажмида таъминланган кредитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур даврда ушбу кўрсаткичнинг даражаси жуда юқори бўлган.

**Хулоса.** Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосалаарни шакллантирдик:

– тижорат банклари кредитларининг бирламчи таъминоти бўлиб, кредит олувчининг пул маблағлари ҳисобланади, шу сабабли, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида кредит олувчиларнинг пул оқимининг таҳлилига катта эътибор қаратилади;

– кредитларнинг гаров таъминотини такомиллаштириш кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошишини олдини олиш имконини беради;

– 2020-2022 йилларда ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг таъминоти таркибида нисбатан юқори салмоқни қўзғалмас мулк, кафолатлар ва учинчи

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан ЎзСаноатқурилишбанкнинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

шахсларнинг кафиллиги, нисбатан кичик салмоқни транспорт воситалари, суғурта полиси ва инвентарь эгаллади;

– 2020-2022 йилларда ЎзСаноатқурилишбанк томонидан саноат корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти таркибида нисбатан юқори салмоқни учинчи шахс кафиллиги, Ҳукумат кафолати, қўзғалмас мулк ва асбоб-ускуналар эгаллади;

– ЎзСаноатқурилишбанк кредитларининг умумий ҳажмида таъминланган кредитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, мазкур даврда ушбу кўрсаткичнинг даражаси жуда юқори бўлган.

Фикримизча, республикаимиз тижорат банклари кредитларининг таъминотини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари кредитларининг таъминоти сифатини ошириш мақсадида бошқа банкларнинг тўлов ва маҳсулотлар сифати юзасидан берадиган кафолатларидан таъминот сифатида фойдаланиш кўламини кенгайтириш лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, кафолат асосида берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслик эҳтимоли камаяди; иккинчидан, товарларни сотиб олувчиларга берилган кредитларни товарларни етказиб берилмаслиги ёки сифатсиз товарлар етказиб берилиши натижасида қайтмаслик даражаси пасаяди.

Ҳозирги даврда республикаимиз банклари томонидан берилган кредитларнинг таъминоти таркибида нисбатан юқори салмоқни учинчи шахсларнинг кафиллиги, қўзғалмас мулк ва асбоб-ускуналар эгаллайди, тижорат банклари кафолатлари кредитларнинг таъминоти таркибида деярли мавжуд эмас.

2. Тижорат банклари кредитларининг гаров таъминотини такомиллаштириш учун, биринчидан, ҳар ойда ўтказиладиган кредит мониторингини такомиллаштириш керак; иккинчидан, кредит олувчи билан суҳбат ўтказиш жараёнида кредит олувчининг руҳий-психологик қарашларига эътибор қаратиш лозим (кредитларнинг маълум қисми кредит олган субъектнинг кредитни қайтаришни хоҳламаслиги сабабли қайтмайди); учинчидан, гаров объектнинг қийматини ўзгаришини фақат бозор баҳоларини ўзгаришига қараб баҳоламаслик керак, балки, гаров объектнинг жорий қийматини инфляция ва девальвация таъсирида ўзгаришини ҳам баҳолаш жараёнида ҳисобга олиш зарур.

Ойлик мониторингни такомиллаштириш гаров объектларининг жорий ҳолатидаги ўзгаришларни ва объектнинг бозор баҳосидаги ўзгаришларни тўғри ва аниқ баҳолаш имконини беради.

Кредит инспекторлари кредит олувчи билан суҳбатлашиш жараёнида асосий эътиборни кредит олувчининг ишлаб чиқариш-молиявий ҳолатига қаратишади, унинг руҳий-психологик ҳолатига деярли эътибор қаратишмайди.

Инфляция ва девальвация таъсирида гаров объектларининг, шу жумладан гаровга олинган мулклар ва қимматли қоғозларнинг реал қиймати пасаяди.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини



- ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 - 486.
  3. Пул агрегатлари. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz); Макроиктисодий кўрсаткичлар. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).
  4. Чараева М.В., Табиева Т.В. Обеспечение возвратности кредитов в современных экономических условиях//Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – Москва, 2016. – №3.
  5. Риск-менеджмент в коммерческом банке / коллектив авторов; под ред. И.В. Ларионовой. М. КНОРУС, 2016. – 456 с.
  6. Банковское дело / О.И. Лаврушин, Н.И. Валенцева [и др.]; под ред. О.И. Лаврушина. 12-е изд., стер. М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.
  7. Стахнюк А.В. Малый бизнес: проблема доступности кредитов//Деньги и кредит. – Москва, 2010. - №3. - С. 25-26.
  8. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.
  9. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.
  10. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 61 б.
  11. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.11.2019 й., 03/19/580/3994-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.
  12. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси//[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).